

## СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Абдуллаев Зафаржон Алижонович  
Тошкент технология, менежмент  
ва коммуникациялар (ТМС) институти,  
“Молия ва бухгалтерия ҳисоби”  
кафедраси профессори, DSc.  
zafarjon1808@mail.ru.  
тел.+998(97)726-05-75,  
ORCID:0000-0002-4827-1040.

**Аннотация.** Мазкур мақолада глобаллашув шароитида солиқ маъмуриятчилигида рақам технологиларни қўллаш масалари кўриб чиқилган. Иқтисодий интеграция доирасида солиқ ҳамкорлик жараёнларини иқтисодий платформаларни рақамлаштирмасдан ва мамлакатлар ва бизнес субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик учун зарур бўлган интеграциялашган маълумотлар базаларини шакллантирмасдан амалга ошириш мумкин эмас. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида тегишли хулосалар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** солиқ маъмуриятчилиги, солиқ органлари, тадбиркорлик субъектлари, иқтисодий интеграция, рақамли технология,

Солиқ тизими иқтисодиётнинг ажралмас қисми бўлиб, мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига эришишда муҳим механизм сифатида намоён бўлади. 2018 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси солиқ юқини камайтириш ва солиқ тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай муҳитни шакллантириш вазифаларини амалга оширишни давом эттириш имконини берган. Бироқ, солиқ мажбуриятларини бажаришда маъмурий харажатлар даражаси юқорилиги, хуфиёна иқтисодиёт даражасини қисқартиришга қаратилган, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириш жараёнларини рағбатлантирувчи жамоатчилик назорати механизмлари мукамал эмаслиги, солиқ тўловчи билан солиқ органлари ўртасида маълумот алмашинувини таъминловчи ягона стандарт ва дастурий маҳсулотлар мавжуд

эмаслиги солиқ базасининг кенгайиши ва барқарор солиқ тушумларини таъминлашга тўсқинлик қиладиган ахборот ҳамкорлиги сусти йўлга қўйилганлиги каби камчиликлар мавжуд<sup>1</sup>. Ушбу камчилик ва муаммолар солиқ тизимини жадал ривожлантириш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини оширишда, хусусан, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ундириш самарадорлигига салбий таъсир қилмоқда. Солиқ маъмуриятчилигида ахборот технологияларини қўллаш бўйича ёндашувларнинг жорий этилиши ҳам рақамли иқтисодиётнинг жадал суръатларда ўсиб бориши, ҳам солиқ солинадиган база эрозиясига ва инсофсиз тўловчиларнинг қарши курашиш зарурати билан боғлиқдир. Иқтисодий интеграция доирасидаги солиқ ҳамкорлиги жараёнларини бугунги кунда иқтисодий платформаларни рақамлаштирмасдан, янги ахборот оқимларисиз, мамлакатлар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги учун зарур бўлган тегишли маълумотлар базаларини шакллантирмасдан амалга ошириш мумкин эмас зарур. Халқаро меҳнат тақсимоотида муносиб ўрин эгаллаш учун, жумладан, рақамли трансформация масалаларида биргаликда олдинга силжиш зарур. Бундай қўшма рақамли трансформация иқтисодий ўсиш учун жиддий потенциалга эга бўлиб, Жаҳон банки экспертларининг фикрига кўра, у ҳар йили ЯИМ ўсишининг қарийб 1 фоизини ташкил этган<sup>2</sup>.

Солиқ тўловчиларнинг асосий қисми тобора рақамли, мобил ва глобал характерда бўлиб бормоқда солиқ маъмуриятларидан ўзгаришларга тезкорлик билан муносабатда бўлишни ва ўз фаолиятида ахборот технологиялари соҳасидаги замонавий ютуқлардан фойдаланишни талаб қилади. Ушбу ўзгаришлар фискал органларни солиққа риоя қилишнинг соддалаштирилган талабларини, жумладан, солиқ тўловчилар ҳар куни фойдаланадиган жараёнлар ва иловалар бўйича солиққа тортишни ташкил қилишни рағбатлантиради, бу ҳам давлат, ҳам солиқ тўловчилар учун солиқ маъмуриятчилиги харажатларини

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.07.2019 йилдаги ПҚ-4389-сон “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

<sup>2</sup>European Commission.Taxation and the digital economy. A survey of theoretical models <https://ec.europa.eu/futurium/en/system>.

сезиларли даражада камайтириши мумкин<sup>3</sup>. Солиқ маъмуриятчилигининг рақамли калитга ўтказилиши ҳам ягона иқтисодий макон ҳудудида келишилган солиқ сиёсатини шакллантириш, солиқ шаффофлигини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва рақамли инфратузилма объектларидан биргаликда фойдаланиш механизмларини шакллантиришга хизмат қилади.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш глобал ривожланишнинг ҳозирги босқичида икки давлат ҳамкорлигини ҳисобга олган ҳолда солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ягона услубий ёндашувларини ишлаб чиқишга қаратилган. Агар илгари солиқ маъмуриятчиликлари ўзларининг миллий солиқ тизимларини ички қонунлар ва ўз чегараларидаги ўзаро муносабатларнинг функцияси сифатида кўрган бўлсалар, сўнгги ўн йилликда транспорт ва телекоммуникация соҳасидаги савдо операциялари, капитал, меҳнат ва билимлар ҳаракатининг ўзгариши, бу нуқтаи назарни рад этишга олиб келган.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.07.2019 йилдаги ПҚ-4389-сон “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Қарори.

2. European Commission. Taxation and the digital economy. A survey of theoretical models <https://ec.europa.eu/futurium/en/system>.

3. Киреева Е. Ф. Цифровизация технологий налогового администрирования на территории единого рынка. <http://edoc.bseu.by:8080/bitstream/edoc/88339/1>.